

XXI asr

O'ZLIDER

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

5-yanvar 2023-yil 1 (999) www.21asr.uz @XXIasrofficial



ИККИНЧИ МАҚОЛА

ҲИНД СОРИ ЮЗЛАНДИК...

ҲИНДИСТОН ОДАМЗОД ИРҚИНИНГ БЕШИГИ, ОДАМ НУТҚИ ТУФИЛГАН ЖОЙ, ТАРИХ ОНАСИ, АФСОНА МОМОСИ, АНЪАНАЛАРНИНГ КАТТА БУВИСИДИР. ТАРИХДАГИ ЭНГ ҚИММАТЛИ ВА ЎГИТ БЕРУВЧИ САБОҚЛАР ФАҚАТ ҲИНДИСТОНДА ҚАДРЛАНАДИ...

Марк ТВЕН

ВАРАНАСИ – МУҚАДДАС ШАҲАР

...Индир Ганди номидаги Деҳли халқаро аэропортидан учган самолётимиз Варанаси шаҳрига бир соату йигирма дақиқада кўнди. Қарийб икки миллион аҳоли яшаётган бу ҳудуд ҳинд ўлкасидаги етти асосий муқаддас шаҳардан бири ҳисобланади.

Варанаси – Бенарес, Банарас, Каши деган номлар билан маълум. Ҳаммамиз биладиган машҳур Ганг дарёси бўйида жойлашган. Йирик саноат маркази. Шоҳи ва ипак буюмлари, парфюмерия, фил суягидан ишланган нодир маҳсулотлари, ҳайкалтарошлик ишлари ҳамда қадимий фольклор дурдоналари билан довроқ таратган. Ҳинд халқининг номдор файласуфлари, шоир-адиблари, мусиқачилари ҳам шу шаҳарда туғилган. Буддизм динига асос солинган ҳудуд сифатида эътироф этилади. Муслмонлар ҳукмронлик қилган ўрта асрларда ҳам бу ер индуистларнинг асосий зиёратгоҳларидан бири сифатида танилган. Айни пайтда эса мамлакатда маданий ва диний таълим ривожланган марказлардан саналади. Маълумки, Ҳиндистонда индуизм, ислом, буддизм, сикхизм ва жайнизм, католик, протестант ва бошқа динларга эътиқод қилиш эркин амал қилади.

Варанаси шаҳрининг мактабгача ва мактаб таълими раҳбари жаноб Шашанк Шехарнинг айтишича, XVI асрда, яъни бобурий ҳукмдорлардан Акбаршоҳ даврида диний ихтилофларни бартараф этиш учун бу ерда ўнлаб масжидлардан ташқари ҳинд худоларидан саналмиш Шива ва Вишна шарафига иккита улкан ибодатхона ҳам барпо этилган. Гарчи Варанаси тарихи 3 мингдан йилдан 5 минг йилгача деб тахмин этилса-да, бугунги шаҳар пойдевори XVIII асрда қўйилиб, Бенарес қироллиги деб расман тан олинди, то 1947 йилгача, яъни Ҳиндистон мустақиллиги эълон қилингунича шундай мақомда турган.

Яна бир эътиборли жиҳати, Ҳиндистон бош вазири Нарендра Моди айнан ушбу шимолий шаҳардан 2014 йилда мамлакат парламентига сайланган. Шунинг учун ҳам Уттар Прадеш штатида қарашли мазкур шаҳардаги ободончилик, бунёдкорлик ишларига алоҳида эътибор кўрсатилишини урғулашди ҳамроҳларимиз.

Энди билдингизми, Ҳиндистон тарихида улкан аҳамиятга эга қадимий Варанасининг “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлатларининг сайёҳлик ва маданий пойтахти” мақомига эга бўлгани бежиз эмас экан.

3



ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ

ИШЧИ ГУРУХ ИШЛАЯПТИ

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТАШАБУСИ БИЛАН 24 ТА ВАЗИРЛИК ВА ИДОРА ВАКИЛЛАРИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН РЕСПУБЛИКА ИШЧИ ГУРУҲИ ФАОЛИЯТИНИНГ НАВБАТДАГИ МАНЗИЛИ – ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ ХЎЖАЙЛИ ТУМАНИ БЎЛДИ.

Ўрганишлар давомида аҳоли муаммолари ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни аниқлаш ҳамда ҳал этиш бўйича секторлар ва маҳаллалар кесимида хонадонбай иш олиб борилмоқда. Бугунги қадар 26 та маҳалладаги 24 894 та хонадон ўрганилди. 3 129 та муаммо аниқланиб, 2 057 таси жойида ҳал этилди, 1 072 та масала бўйича ишлар назоратга олинди.

Асосий эътибор ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволда қолаётган аҳоли қатламига қаратилди ҳамда уларга амалий кўмак бериш бош мақсад деб белгиланди. Жумладан, 180 нафар фуқаро доимий ишга жойлаштирилди, 136 нафари касб-хунарга қайта тайёрлашга йўналтирилди, 60 нафар киши ўзини-ўзи банд қилди, 27 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланди.

Хўжайли касб-хунар мактабида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда 400 дан ортиқ ишсизлар иштироки таъминланди, 156 нафарига доимий ишга жойлашиш учун йўлланма берилди, 37 юртдошимиз касб-хунар егаллаш учун ўқишга йўналтирилди, 24 нафарига ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси асосида ишга тавсия берилди.

Давоми 2-саҳифада. ►►

БУГУНГИ СОНДА:



МОЙЖУВОЗ

“ТАФАККУР” САҲИФАЛАРИДА

6

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН: ХАЛҚАРО СИЁСАТ

Халқнинг сиёсий онги ошиб боргани сайин жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга қизиқиш ҳам кучайиши табиий. Халқаро майдонда кечаётган жараёнларнинг сабаб ва оқибатларини англаш эҳтиёжи эса сиёсий шарҳларга талабни туғдиради. Биз ҳам газетхонлардан тушаётган таклифларни инobatта олган ҳолда “Халқаро сиёсат” рукнида туркум мақолалар эълон қилиб боришни режалаштирдик. Бугун нашримизнинг 2023 йил 1-сонидан ушбу йўналишдаги биринчи материални эълон қилар эканмиз, соҳа мутахассислари, олим ва тадқиқотчилар ҳамда сиёсий шарҳловчиларни “XXI asr” газетаси билан ҳамкорликка чорлаб қоламиз.



5



МАЪНАВИЯТ ОСМОНДАН ТУШМАЙДИ

6

АРЗОН, ҚУЛАЙ ВА ТЕЗКОР!



Энди почтани кутиб ўтиришга ҳожат йўқ. Нашримизнинг электрон версиясига обуна бўлинг. Бунинг учун телефонингизга “Play Market” ёки “App Store”дан “XXI asr” иловасини юклаб олиб, пул ўтказсангиз кифоя.

ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪЛИМ БЕЛГИЛАЙДИ

МУНОСАБАТ

ИЛМ – ЭНГ КАТТА САРМОЯ



Абдулла АСЛОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида: "Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яққо ягона тўғри йўлидир", деб таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга, тизимдаги оғриқли масалалар ҳам очиқ айтилиб, уларни ҳал этиш бўйича аниқ мақсадлар, вазифалар белгилаб олинганига гувоҳ бўлдик. Жумладан, Президент "Мақтаб битирувчиларининг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмасдан кириб келаётгани ҳаммамизни ўйлантириши керак. Шу боис, 700 дан ортиқ касб-ҳунар мактаби, қолган ва техникумлар имкониятидан самарали фойдаланиш зарур", деди. Шу мақсадни амалга ошириш учун шу йилдан бошлаб янги дастур амалга оширилиши, ҳар бир вилоятда биттадан техникумда Европа касбий таълим стандартлари жорий этилиши, келгуси беш йилда барча кол-

леж ва техникумлар ушбу тизим билан қамраб олиниши эса юқорида келтирилган муаммони ҳал этишда муносиб қадам бўлади. 2023 йилга эса "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб ном берилиши ҳам бежиз эмас. Инсон фаровон жамиятда дунёга келиши, бахтли умр кечириши у яшайдиган жамият тараққиёти маърифат, таълим ва тарбия билангина барпо этилиши янги йилмиз номланишида ҳам яққол акс этиб турибди. Сир эмаски, эртасини ўйлаган, келажаги фаровон бўлишни истаган ҳар қандай давлат, жамият албатта таълим-тарбия соҳасига энг муҳим масала сифатида қарайди. Зеро, донолар сўзи билан айтганда, "Бир йил тўқ яшайман десанг – дон-дун эк, беш йилни кўзласанг – боғ ярат, бир умр фароғатда яшмоқчи бўлсанг – борингни илмга сарфла!".



Файрат АБДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси

боришига ҳаракат қилинаётганини билдирди. Таълим соҳаси мутасаддилари ва ўқитувчилар билан мулоқот чоғида мактаб ўқувчилари ва мажбурий меҳнат ҳақида сўз борар экан, ўқувчиларни мажбурий меҳнатга жалб этишни таққийлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш осон бўлмаганини қайд этди. Таълимдаги камчиликлар таққийлаш таққийлаш, уни бартараф этиш йўллари кўрсатиб берилди. Тизимни ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди. Президентимиз раҳбарлигида таълим тизимида амалга оширилган ислохотлар туфайли юртимизда жуда катта ўзгаришлар юз берди. Умуман олганда, маърифатпарвар Абдулла Авлоний айтганидек, "Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир". Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиси Мурожаатномасида ва замонавий дарсликлар кўргазмаси билан танишиш чоғида белгилаб берган вазифалари юртимизда таълим сифатини ошириш ва илм-фан тараққиётини таъминлашга хизмат қилиши билан эътиборга молик.

такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилгани натижасидир. Бир пайтлар ўқитувчилар асосий вазифаси бир четда қолиб, фаолияти мутлақо алоқадор бўлмаган ишларга жалб этиларди. Улар болаларни ўқитиш, таълим бериш ўрнига кузни пахта даласида ўтказарди. Ўқувчилар ҳам пахтага чиқиб, таълим олиш ўрнига пахта терарди. Бу эса таълим сифатига салбий таъсир кўрсатди. Президентимиз раҳбарлигида таълим тизимида амалга оширилган ислохотлар туфайли юртимизда жуда катта ўзгаришлар юз берди. Умуман олганда, маърифатпарвар Абдулла Авлоний айтганидек, "Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир". Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиси Мурожаатномасида ва замонавий дарсликлар кўргазмаси билан танишиш чоғида белгилаб берган вазифалари юртимизда таълим сифатини ошириш ва илм-фан тараққиётини таъминлашга хизмат қилиши билан эътиборга молик.

◀ Бошланиши 1-саҳифада.

✓ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 110 нафар фуқарога 770 млн. сўм субсидия маблағларига асбоб-ускуна ва меҳнат қуроллари олиб берилди. Тижорат банклари томонидан 8,8 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида туманда мавжуд эҳтиёжлардан келиб чиқиб, 169 та лойиҳага 1,7 млрд. сўм имтиёзли кредит маблағлари учун тавсиянома берилди. "Темир дафтар"га киритилган эҳтиёжманд 28 та оилага кўмаклашиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Саховат ва кўмак" жамғармаси ҳисобидан 29,1 млн. сўм бир марталик моддий ёрдамлар кўрсатилди. Бундан ташқари, ҳомиёлар томонидан Амударё маҳалласида яшовчи М. Нуриимбетов, Мустиқлик овулида яшовчи С. Қарядиева, Шағалакол маҳалласида Л. Нурмуханованинг уй-жойлари таъмирлаб берилди. М. Аметованинг уйига янгидан иситиш тизими ўрнатиб берилди. "Аёллар дафтари"даги 139 нафар хотин-қизга 83,4 млн. сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди, яна 48 нафар хотин-қизни маз-



Халқлар дўстлиги маҳалласида яшовчи Севарахон Назарова эса спорт анжумлари тайёрлаш билан машғул, бироқ унинг ҳам тикув машиниси эскиргани иш ривожига халал бераётган эди. Бу аёлга ҳам субсидия асосида янги тикув машиниси олиб берилиши фаолиятини кенгайтиришда айна мудабо бўлди. Қият Сартол маҳалласида яшовчи Шоҳида Парпиева 10 турдаги уйинчоқлар ва манежлар тайёрлаб, 15 нафар маҳалладоши бандлигини таъминлаган. Шоҳида опа фаолиятини ўрганиш давомида унинг қўшимча бино қуришга рухсат бериш ва 200 млн. сўм кредит ажратишга оид масаласи ҳал қилинди. Бу билан 50 нафар инсон шу ерда, яна ўнлаб ишсиз оилалар эса ўз хонадонидида кооперация асосида иш билан таъминланадиган бўлди.

Шунингдек, Соилаби қишлоғида яшовчи Гулнозахон Муродова, Ифтихор маҳалласидаги Гуллола Матмусаева сингари оғир ижтимоий аҳволдаги 18 нафар инсонга субсидия асосида иссиқхоналар қуриб беришга киришилди. Бу аёллар ҳадемай мўъжаз иссиқхонада эртанги редиска ва кўкатлар етиштиришни бошлайди, қўшимча даромад манбаси яратилади.

Яқинда Бешсари маҳалласида 9-мактаб филиали учун 220 ўринли янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса-да, янги шатлар ташкил қилиш учун муассасага

ИШЧИ ГУРУХ ИШЛАЯПТИ

кур дафтарга киритиш бўйича тавсиялар берилди. 9 нафар оғир турмуш шароитида яшовчи аёлнинг уй-жойи таъмирланди, уларнинг сарф-харажати учун 100 млн. сўм ажратилди, 12 нафар қизнинг 79,7 млн. сўм тўлов контрактни тўлаб берилди, 4 нафар уй-жойга муҳтож аёллар туман Ижтимоий шаҳарчасидаги уйларга жойлаштирилди. "Ёшлар дафтари" жамғармаси ҳисобидан 87 нафар ёшнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга 162,5 млн. сўм ёрдам берилди. Жумладан, 22 нафар ёшнинг 72,1 млн. сўм тўлов контрактлари тўлаб берилди.

✓ ФАРҒОНА

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Президент Халқ қабулхоналари, йигирмадан зиёд вазирлик, қўмита, республика ташкилотлари, секторлар раҳбарлари Фарғона шаҳридан 120 км. олисдаги Бешариқ туманининг 62 та маҳалласида уйма-уй юриб, сайёр ва шахсий қабуллар ўтказди.

Бу гагли қабулларнинг ўзига хослиги шундаки, энди масъуллар мурожаат келишини кутиб ўтирмай, мурожаатчини ўзи қидириб келмоқда. Одамларнинг уйига борилиб, уларни ўйлантираётган масалаларга аввало ички имкониятлар ҳисобидан ечим топиломоқда.

41 674 та хонадон ва 1 030 дан зиёд ижтимоий соҳа объектидаги ўрганишларда 11 272 та масала аниқланган бўлса, уларнинг 8 430 дан зиёди ҳал этилди, 2 840 дан ортиқ масала эса назоратга олинди.

Кўпчиликнинг хабари бор, икки ҳафтача аввал Бешариқ тумани ҳокими Расулжон Жўраев тўқилиб тушай деб қолган уйда истиқомат қилган ёлғиз онахондан узр сўраб чиққан видеолаваха ижтимоий тармоқларда кенг тарқалиб, жамоатчиликнинг турли фикрларига сабаб бўлганди. Бу масала ишчи гуруҳ вакилларининг ҳам эътиборидан четда қолмади.



ҳам бу борадаги муаммоларни юмшатиш мақсадида 4 та трансформатор, 315 та бетон таянч ўрнатилиб, қарийб 11 км. янги тармоқ тортилди. Қиш-қировли кунларда барқарор иссиқликни таъминлаш учун Бешариққа 1 минг 728 тонна кўмир олиб келиниб, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектига етказилди.

Аҳоли талабидан келиб чиқиб, 17 мингдан зиёд газ баллонни алмаштирилди. 550 нафар истеъмолчи янги газ баллон берилди. Шунингдек, тумандаги барча газ тақсимлаш пунктлари, хонадонлардаги газ жиҳозлари техник кўриқдан ўтказилиб, дудбўронлар тозаланди.

Бу жараёнда Файзобод, Яқкатут, Қум, Ганбай, Эшон, Дўстлик, Адолат, Қияли, Қорақўйли сингари қишлоқ-маҳаллаларга ичимлик суви тортиш билан боғлиқ сусайиб қолган ишлар жадаллаштирилди: 7,3 км. қувур ётқизилди, битта

сув минораси, 3 та насос таъмирланди. Туман марказидан 15 км. олисдаги Адолат маҳалла аҳли ҳозиргача қудуқлардан сув ичган бўлса, энди 4,2 км. тармоқ тортилиб, 275 та хонадонга оби ҳаёт олиб кириляпти. Ёки Дўстлик маҳалласидаги 136 та, Қурама қишлоғидаги 385 та хонадон ҳам ичимлик суви билан таъминланмоқда.

Ўрганишлар натижасида кўп қаватли 7 та уйнинг, шу жумладан, ички имкониятлар ҳисобидан Халқлар дўстлиги маҳалласидаги 2 қаватли 4 та уйнинг ҳам таъмирталаб томи янгилаб берилди. Қият-Сартол, Қум, Нурафшон, Дала Ҳамид Олимжон, Обод сингари маҳаллаларнинг 29,2 км. кўчалари тош йўлга айлантирилган бўлса, 2,6 км. йўл асфальтланди. Бешариқ марказидан 18 км. олисдаги Обод маҳалласининг ҳам тупроқ кўчалари шағаллаштирилиши билан аҳолининг кўп йиллик масаласи ҳал қилинди.

Тадбиркорлик ва янги иш ўринларини кенгайтириш, одамлар реал даромадини ошириш учун 94 нафар мурожаатчига 1 млрд. 400 млн. сўм имтиёзли кредитлар олиш учун тавсиялар берилиб, улардан 19 нафарига 352 млн. сўм имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, уйда ишлаб

умумий ўрта таълим мақоми бериш масаласи ҳал бўлмай турган экан. Халқ таълими вазирлиги масъуллари ўрганишлари асосида бу масала ҳал қилиниб, мамлакатимиздаги мактаблар сони яна биттага кўпайди. Бу ерда қишлоқ ўқувчилари замонавий таълим олиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъуллари ўрганишлари натижасида турли хасталиклар аниқланган 761 нафар инсоннинг 102 нафари шифохоналарга ётқизилди, 659 нафари амбулатор шароитда даволанмоқда. Тумандаги ноғиронлиги бор инсонлар ҳолидан хабар олиниб, 558 нафар эҳтиёжмандга реабилитация воситалари, шўзойнақлар, дори-дармон етказиб берилди.



Олтинқул маҳалласида яшовчи Малоҳатхон Мадумарова 18 йилдирки, ноғиронлиги бўлган ўғли Яҳёбек Олимовни парвартилади. Аёл истиқола қилганими, аравача сўраб ҳеч мурожаат қилмаган, ўғлини елкасига опичлаб катта қилган экан. Ўрганишлар давомида Яҳёбекка ҳам ноғиронлиги аравачаси, дори-дармон, озиқ-овқат етказилди. Уйи таъмирлаб берилди.

Ички ишлар ва Қурилиш вазирликлари масъулларининг ўрганишлари "Нури маскан" алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болаларга ихтисослаштирилган 2-мактаб филиалининг 36 нафар ўқувчиси оғир шароитда таълим олишга мажбур бўлаётганини, улар учун янги, алоҳида бино зарурлигини кўрсатди. Қисқа муддатда 3-сектор худудидидаги Дала Ҳамид Олимжон маҳалласида бўш бино таъмирланиб-жиҳозланиб, муассаса барча шароитга эга янги бинога кўчирилди.

Яқкатутлик Назрулло Мадаминов ва оғир хаста рафиқаси Гулшаной Алиёрова ҳам ҳадемай янги, шинам бошпанасига эга бўлади. Эътиборлиси, бешариқлик фаоллар, нурунийлар, тадбиркорлар ташаббус билан чиқиб, бу каби оғир шароитда яшаётган эҳтиёжманд инсонлар уй-жойларини таъмирлашда амалий ёрдам кўрсатишга қарор қилишди. Ташаббускор гуруҳнинг қурилиш-ободонлаштириш ишларига ҳомилик ёрдами "Маҳалла" хайрия жамоат фонди орқали тизимли йўналтирилади.

Ишчи гуруҳнинг хайрли ишлари давом этмоқда.

"XXI asr" мухбири
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА тайёрлади.

ҲИНД СОРИ ЮЗЛАНДИК...

◀◀ Бошлиши 1-саҳифада.

“БУХОРИЙНИ БИЛАМИЗ, АММО...”

Ҳиндистонга бориб келган саёҳатчи-зиёратчилардан кўп бора эшитганман. Айрим маҳаллий кишиларнинг улуғ бобокалонимиз, шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва унинг уч асрдан кўпроқ ҳукмронлик қилган сулоласи вакилларига муносабати ўзгачароқ. Яъни сизу биз ўйлаганчалик жуда самимий эмас. Буни табиий ҳол деб қабул қилишга мажбуримиз. Негаки, ўзимиз ҳам она заманимизга қурол кўтариб келган қайси саркарда номини кўқларга кўтариб улуғлаганмиз?

Байрамона безатилган қайиқда Ганг дарёси қирғоғида жойлашган қадимий обидаларни томоша қилаётганимизда худди шундай ҳолга дуч келдик. Миқтигина, қотмадан келган сермулозамат, шаҳардаги ягона гид-таржимон Ражат Верма Будда дини ибодатхоналари ва осори атиқалари ҳақида жўшиб сўзлаётган маҳали бирданги нигоҳи-

деокамераларга тушиб қолишдан ҳеч ким қўқмайди? Чорраҳаларда йўл назоратчилари ҳам негандир кўринмайди, бу тизим қандай бошқарилади?”

Таржимон ҳамкасбимизга саволимизни обдон тунтирдик. У кулимсираб шундай жавоб қайтарди: “Бизда ҳам барча давлатларда бўлгани каби йўл ҳаракати қоидалари бўйича тегишли тартибда қонунлар қабул қилинган. Бу қоидаларга амал қилиш қатъий белгиланган. Лекин ҳадеганда бўлар-бўлмас қоидабузарликни қайд этиш ёки айбдорга жарима қўллаш ўзини оқламаслигини соҳа вакиллари яхши билади. Жазо энг сўнгги чора. Унеча танбех бериш, огоҳлантириш, деган гаплар ҳам бор-ку! Мана, менинг ўзим ҳам машина, ҳам скутер бошқараман. Вазиятга қарайман, шилинчроқ юмушим чиқса, мотоциклда борганим маъқул. Жарима... бошқаларни билмайман, шахсан мен ҳали уйимга бирор марта хат келганини ёки қоидабузарлик қилганим учун йўл назоратчиси томонидан тўхтатилиб, жазо қўланганини эслолмайман. Улар асосан ҳаракатни бошқаради. Бизда, кўрясиз, аҳоли сони жуда кўп, транспорт ҳам шунга яраша. Демак, ҳадеб жарима солавериб одамларнинг иқтисодий аҳволини оғирлаштиришдан кўра, аксинча,

га кирдик. Торгина жойда эски тўқув дастгоҳи ёнида ипак матолардан дунёни лол қолдириб келаётган ҳинд аёллари либоси сари тўқилаётган экан!



Ғайрат МАЖИД

ВАТАНГА КЕТАМИЗ...

Оҳ, қандай шириндир бу буй, бу ифор, Она, она тупроқ, онажон тупроқ. Одамман дейишга қандай ҳаққим бор, Сенда туриб, Сендан яшабман йироқ.

Мана, Ҳумоюннинг мрамор саройи, Келиб кетаверар минглаб сайёҳлар. Уларнинг дилимга йўқдир парвойи, Недандир кўнглимда муқаддас оҳлар.

Мана икки ошиқ, кўз тушди ногоҳ, Гўё туюб борар энг тоза бахтни. Асл ҳақиқатдан бўлмасдан огоҳ, Суратга муҳрлаб борарлар вақтни.

Масрур бораётган, бу чол, бу кампир Дунёнинг ярмини кезган, эҳтимол. Саройда кимлар бор, кимлар бор, ахир, Биламан, беҳабар бу кампир, бу чол.

Эй, гўё ҳаётин кўмганлар болга, Наҳот кўрмайсиз, мен ёндим, куйдим. Йўқ, чидаб бўлмайди бундай аҳволга, Шундоқ ёнингизда Мирзо Ҳумоюн.

Ошиб неча довон, кўп асрлардан, Ўйланган, Ҳинд сори шунчаки елдим. Ўйламанг, Ҳинд сори шунчаки елдим. Сизни, сизни олиб кетгани келдим.

Кетдик, елдай учиб, Мирзо Ҳумоюн, Ватанга кетамиз, юртга кетамиз...

олиш, кийинишга етадимиз?” деган ҳаётий саволларни ҳам беришди. Мамлакатимизда кейинги йилларда сўз эркинлиги, журналист ва блогерларнинг танқидий чиқишларига муносабат кескин ўзгаргани, ҳукумат томонидан ОАВни қўллаб-қувватлаш бўйича амалий сазй-ҳаракатлар олиб борилаётганини айтдик.



“ЖУРНАЛИСТЛАР БОЙ ҚАТЛАМ ВАКИЛЛАРИДИР”

Таомил шундай: қаерга борсак, маҳаллий валютанинг кадр-қиммати, аҳолининг яшаш даражаси, иқтисодий аҳволи, ҳамкасбларимизнинг ойлик маоши, бозор ва дўконлардаги нарх-наво билан қизиқамиз. Дастурга киритилган манзилларни айланиш, ҳинд халқининг тарихий мероси билан яқиндан танишиш асносида бизга ҳамроҳлик қилган журналист ва блогерларни ҳам мулоқотга чорладик.

Даро Такчир Панджу (блогер, Деҳли): “Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари ташаббуси билан уюштирилган ушбу анжуманда қатнашаётганимдан ғоят хурсандман. Нега десангиз, бизда ОАВ жуда кўп. Журналистлар сафида бу рўйхатга киритилганим обуначиларим сонини кескин ошириб юборди. Варанасига келган куним ўқувчиларим бир миллион эди. Билмадим, қайтганимча яна кўпаяди. Мени қувонтиргани, фақат китоблар ва интернет орқали Ўзбекистон ҳақида эшитганим. Тарихи жуда улуғ юрт эканини билардим. Мана, сизлар билан юзма-юз учрашдик, тажриба алмаштирдик, интервьюлар олдим”.

Раве Стана (журналист, Утга Прадеш штати, Мирзапур райони): “Биз сизларга ўзимиз ҳар доим фахрланадиган Чунар сайёҳлик марказидаги тарихий биноларни зиёрат қилганимиздан мамнунимиз. Чунки бу муборак манзилларга Бобур ва Акбаршоҳнинг қадамлари етган, улар қурдирган қанча обидалар ҳозир ҳам сақланиб қолган. Сизлар оддий сайёҳлар эмас, балки ижодкор, журналист бўлганин-

миз ана шу ҳашаматли бинолар орасида алоҳида ажралиб турган катта масжидга тушиб, унинг тарихи ҳақида сўраб қолдик. Бийронгина сўйлаётган йигит бир зум жим қотди. Сўнг мезбонлардан бирига ўз тилида нимадир деди. Бизларга юзланди-ку, “Аврагзебни биласизларми, айрим манбаларга қўра бу масжидни ўша мўғул подшоҳ қурдирган. Минг афсуски, у бир неча юзлаб ибодатхоналарни бузиб, вайрон қилгани боис Бобурийлар сулоласига нисбатан салбий муносабат кучайишига сабабчилардан бири сифатида эсланади”, деди.

Тарихий китобларда Аврагзеб Оламгир ҳақида, тўғриси, кўнглига таскин берадиган гапларни кам ўқиганман. Ҳатто ўз падари бузруквори Шоҳжаҳонни 1658 йили Жамна дарёсининг ўнг соҳилидаги қалъалардан бирига қамаб қўйдирган, бечора ота митти дарчадан узоқлардан кўриниб тургучи Тожмаҳалга – хотини Мумтоз бегим мақбарасига термилиб умрини ўтказган экан. Йўғлайвериб кўзлари кўрмай қолган Шоҳжаҳонни ўз васиятига биноан Тожмаҳал мақбарасига – Мумтоз бегим ёнига дафн этишган... Йўқ, барча Бобурий боболаримиз ҳам бу сирли ва сехрли замин халқи қалбида аламли таассуротлар қолдирган, деган фикрни айтишдан йироқман. Бир саёҳат баҳонасида эшитган, кўрган манзараларга ўтмиш ва бугунги кун назари билан боқсак, ёмон бўлмайди.

Энг қизиғи, таржимон ёнгинамизда бизларга ҳамроҳлик қилаётган полиция вакили, ҳинд мусулмонларидан бирининг самимий мулоҳазасини айтганида бошимиз осмонга етди: “Бухорийдай улуғ зотларни бизлар яхши биламиз, қанидди имкон бўлса, сизлар яшаётган ўлкаларни зиёрат қилсак. Яна бир оддий ҳақиқатни ҳам унутманг, муҳтарам диндошларим, Аврагзеблар шарафли тарихга соя сололмайди. Биз барибир Бобурийлар билан фахрланамиз”.

ЖАРИМА БИЛАН ҲАЗИНА ТЎЛИБ ҚОЛМАЙДИ!

16 миллиондан кўпроқ нуфусга эга пойтахт Деҳли кўчаларида ҳам серкатнов транспорт ҳаракатини кўриб ҳайратга тушгандим. Светофорнинг жуда камлиги ғалати туюлди аввалига. Аксарият гавжум чорраҳаларда айланма ҳаракат жорий этилган. Машиналар тирбандлиги деярли сезилмайди. Ҳайдовчилар маданиятига қойил қолмасдан илож йўқ. Сигнал чалишда-ку биздан ўтишар экан, лекин йўл бериш ботида ҳаддан ташқари сермулозаматлигига ҳаваси келади одамнинг.

Биздагидек ҳар дақиқа, ҳар соатда қанча машама, можаро, ёқаланиш ва дуч келган жойда “хато қилишимизни кутаётган” ЙПХчилар бу ёқларда йўқ!.. Варанасида ҳам худди шунга ўхшаш манзарага гувоҳ бўлдик. Машина рули ўнг тарафда, ҳаракатланиш эса чапдан. Бу ерда машинадан кўра мотортранспорт ҳамда велосипед ҳаддан ташқари кўпчилиги ақлни шошириб қўяди. Аммо уч кун юриб ҳам бирор жойда йўл транспорт ҳодисасига кўзимиз тушмади. Ҳайрон қоларли-да биз учун.

Очғи, жуда ғайритабиий туюлган ушбу ҳолатларга изоҳ олиш учун ҳамроҳларимиз – маҳаллий журналистлардан бирига савол бердик: “Неча кундан бери кузатяпмиз, транспорт ҳаракати жуда катта. Шу билан бира, қоидабузарлик ҳам кўп экан. Яъни қарама-қарши ҳаракатланиш, лифдалар ўтиш йўлида тўхтамаслик ва бошқа қоидабузарликлар учун, нима, сизларда жарима солинмайдими? Ви-

ҳам пиёдага, ҳам ҳайдовчига йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилиш ҳаёт-мамонт эканини кўпроқ тарғиб қилсак, ўргатсак, давлатга шунча фойда эмасми?”

Бизда шундай ибора бор: **одамлардан олинган солиқ, тўлов ёки жарималар билан ҳазина тўлиб қолмайди, балки уларга яшаш ва ишлаш учун қанча эркинлик берилса, ана шунда давлат ҳам, халқ ҳам бойийди!..”**



ИПАК ШАҲРИ – ЮРАК ШАҲРИ

Ганг дарёси бўйидаги миллий аънаналар ва диний маросимлар намойишидан сўнг Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг турли шатларидан келган эллик чоғли анжуман иштирокчиларини Варанаси ва унга туташ ҳудудлар бўйича туризм директори Прити Шарма хоним шаҳарнинг гавжум кварталларидан бирида жойлашган Ипакчилар маҳалласига таклиф этди. Асосан уч ва тўрт қаватли зич қурилган уйлар орасидан юриш ҳам осон эмас. Ҳар қадамда савдо расталари, турли хунармандчилик устaxonалари ва дўконлар учрайдик. Қулоқларни батанг қилгувчи сигналлар, бақир-чақир овозлар, гоҳи сугир, гоҳи ит-мушуклар, чиқиндилар пала-партиш сочилиб ётган манзарага дуч келасиз. Бир маҳал тор ва зўрға ўтиб-қайтиладиган йўлакчага бурилиб шовқин-суронли “дом”нинг биринчи қавати-

ғиз биз учун ҳам фойдали. Чунки бу жойлар ҳақида ўз нашрларингизда маълумотлар берасизлар. Шунинг ўзи ўртамиздаги ижодий алоқаларни мустаҳкамлайди деб ўйлайман”.


Сарвез Кумар Мисра (“Деҳли таймс” англиклар нашри вакили): “Бизнинг газетамиз ҳар кунни чоп этилади. Умумий адади 350 мингга яқин. Таҳририятимизда юздан кўпроқ ходим ишлайди. Асосан энг сўнгги англиклар ва реклама материаллари берилади. Ҳатто интернет ёки ижтимоий тармоқларда чиқмаган маълумотларни эълон қиламиз. Асосийси, биз шов-шувли ёки тасдиқланмаган хабарлардан тийилимиз. Ойлик маошларимиз ижодий фаоллик ва тезкорликка қараб тўланади. Журналистлар меҳнати жуда қадрланади. Шунинг учун ҳам камда икки, уч минг АҚШ доллари миқдорига ойлик оламиз”.

“Амаргужала” газетаси ходими Шиве Шарма, “Ҳиндустан” нашри мухбири Гопенат Мешал, журналист-саёҳатчи Рагини Пуре хоним, адиб, фотограф Аджай Суд ва бошқалар билан ҳам гурунгимиз қизиди. Очғи, улар ҳам биздан “Сизларда танқидга муносабат қандай? Таққик ва таъйиқлар йўқми, бўлса қонунлар қандай ҳимоя қилади? Сир бўлмаса, ойлик маошларингиз оила боқиш, машина

ХОТИМА ЎРНИДА

Ҳинд ўлкасининг шимолий ҳудуди бўлмиш қадим Варанаси шаҳрига қилган беш кунлик саёҳатимиз беш сониядек ўтди-кетди. “Рамаёна”, “Маҳабҳорат” эпослари, кўҳна фольклор оҳанглари, Ганг дарёси бўйидаги хуш ва нохуш манзаралар, асли туркистонлик бўлса-да, Ҳиндистоннинг фаҳрига айланган оташнафас шоир Мирзо Асадуллоҳ Галиб шарафига қўйилган Мирзапур тумани ҳудудидаги Нагорд тошёзув-расмлари (ўзимизнинг Зараутсойдаги тошбитиклар мисол), гўзал табиат мўъжизалари ҳисобланмиш Раждари ва Девдари шаршаралари, Оллоҳобод, Файзобод каби юракка туташ номлар билан аталган гўшалар, буюк боболаримиз бино этган обидалар... ҳамма-ҳаммаси бизлар учун туганмас мавзулар бўлса ажабмас.

Фақат буюк ҳинд мутафаккири Робиндранат Тҳакур “абдийлик кўзидаги ёш” дея таърифлаган бетакрор Тожмаҳалли кейинги сафар зиёрат этмоқни ният қилдик.



Норқобил ЖАЛИЛ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Тошкент – Деҳли – Варанаси – Тошкент

Хўш, Ғалвир сувдан кўтарилди, энди-чи?!

Маълумки, Янги Ўзбекистонни барпо этишдек эзгу йўлда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар муваффақиятини таъминлашда O'zLiDePнинг салмоқли ўрни бор.

Бугун партиянинг энг куйи бўғинлари ҳам электоратни рози қилиш, аҳолини қийнаётган муаммоларни ўз вақтида ижобий ҳал этиш, халқимизнинг фаровон турмушига йўналтирилган барқарор иқтисодий, ижтимоий, гуманитар ва экологик ривожланиш бўйича дастурларни рўйбга чиқаришда жонбозлик кўрсатмоқда. Айтиш жоизки, йил сўнгида ташкилот фаолиятини сарҳисоб қилиб, янги йилдаги истиқбол режаларини биргаликда бамабаслаш белилаб олиш партия ташкилотларининг яхши анъанасига айланган.

O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши томонидан ўтказилган навбатдаги тадбирда сиёсий кучнинг худудий бўлиналари томонидан ўтган йилда олиб борилган ишлар таҳлил этилиб, ғалвир сувдан кўтарилди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши раиси Тўлқинжон Файзиев худуддаги барча ташкилотларнинг ўтган давр мобайнида йўлга қўйган ибратли ҳаракатларини санаб ўтди. Ҳамжихатликда янги БПТлар ташкил этилгани, аъзолар сони сифат ва таркиб жиҳатдан ортгани, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш, зўравонлик ва таъйиқлардан асраш, ёшларнинг бизнес ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ҳаётда муштақам ўрин эгаллашда кўмаклашиш, фермер ва деҳқонлар, тадбиркорларни янада кенг қўллаб-қувватлаш, намунали тадбиркорлар тажрибаларини оммалаштириш ва тарғиб қилиш борасидаги тарғибот тадбирларининг самарадорлигини юксак баҳолади. Бунда аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамият-

даги ўрни ва мавқеини ошириш, ёшлар ва бизнес тузилмалар билан ишлаш, ташкилий-партиявий ишлар, жамоатчилик билан алоқалар ва мафкуравий ишлар каби бўлимларнинг хизмати беқиёс бўлганини алоҳида таъкидлади.

Юртбошимизнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида белгилаб берилган устувор вази-



фалар ижросида ҳам бир ёқадан бош чиқариб, самарали ишларни амалга ошириш лозимлигини ўқитди.

Мамлакатимиз раҳбари келгуси 2023 йилга "Инсонга эътибор ва сифатли таълим" йили деб ном бериши замирида ғоят улкан инсонпарвар мақсад муждасалигини кайд этди. Президентимиз таъкидлаганидек, тараққиётнинг асосий негизи бўлган таълим соҳасида бошлаган ислохотларни давом эттиришда яқиндан кўмакчи бўлиб, таълим даргоҳларига

бориб, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, сифатни ошириш бўйича улар қўйган масалаларни биргаликда ҳал қилиш керак. Бир сўз билан айтганда, 2023 йилдан мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида бутунлай ислох қилинишида фаол иштирок этиб, камарбаста бўлишга қақирди.

Мурожаатномада қайд этилганидек, келгуси йилда яна 4,5 минг мегаваттлик 11 та ийрик лойиҳанинг якунига етказилиши билан Тошкент вилоятида ҳам қуёш ва шамол электр станциялари барпо этилиши натижасида хонадонларга бериладиган электр энергияси 50 фоизга кўпайиши жуда катта ижтимоий, иқтисодий аҳамиятга эга экани борасида фикр юритди. Мана шулардан келиб чиқиб, жойлардаги партия ташкилотлари ва фаоллари уй, ишхона, боғча, мактаб ва кўчаларда одамларимизга энергиянинг қадрига етиш, уни тежашни ўргатиш ишларида фаол бўлишлари лозимлиги ҳақида зарур тавсияларини берди. Бунда келгуси уч йилда барча давлат ташкилотларида қуёш панеллари ва иссиқ сув коллекторлари ўрнатилиши, мазкур мақсадларда 2 миллиард АҚШ доллари миқдорига инвестиция жалб қилиниши натижаси ўлароқ уларнинг 60 фоизи электр ва газ истеъмоли "яшил энергия"га ўтказилишига эътибор қаратиш керак.

Мурожаатномада белгиланган Янги Ўзбекистонни "ижтимоий давлат" тамойили асосида қуриш масаласига эътибор қаратаркан, унинг доирасида аҳоли учун янги уй-жойлар қуриш ҳажминини 1,5 баробар ошириб, 90 мингга етказилаётганини эътибор этди.

Келгуси йилда Тошкент вилоятида "Менин биринчи уйим" янги ипотека дастури бошланиши билан аҳолига яратиладиган шароит ва имкониятлар ҳақида ўз мулоҳазаларини баён этди. Дастур доирасида, биринчи навбатда, тураржойга эҳтиёжи бор ҳамда ёш оилалар учун энг қулай шартлар асосида уй-жойлар барпо этилаётгани хусусида



тўхталаркан, юқорида тилга олинган барча йўналишлар тарғиботини кучайтириш – ҳар бир партия ташкилоти олдида турган долзарб вазифа бўлишини ўқитди.

Шунингдек, ўтган йилдаги фаолият сарҳисоб қилинаркан, ҳар бир туман ва шаҳар кенгашлари мутасаддилари амалга оширган ишларига қараб, йўналишларга тоифаланган ҳолда партия вилоят кенгашининг ташаккурнома ва эсдалик совғаларига муносиб кўрилди.

Тадбир сўнгида фикрлар умумлаштирилди. Истиқболда биргаликда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Партиянинг ҳар бир маҳаллий кенгаши, БПТлари ўз истиқболдаги иш режасини Президентимиз Мурожаатномасида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқса, мақсадга мувофиқ бўлиши айтилди.

Савриниса БЕКНАЗАРОВА, O'zLiDeP Оққўрғон туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари:

– Бугунги йўғилишда ўтган бир йил мобайнида партиянинг маҳаллий кенгашлари, БПТлари томонидан амалга оширилган ибратли ишлар алоҳида этироф этилди. Халқимизнинг турмуш сифатини яхшилаш, инсон қадрини юксалтиришда катта жонбозлик кўрсатиб келётган партияимизнинг ҳаётбахш дастурий ғоя ва мақсадларини рўйбга чиқариш йўлида олиб бораётган камтарин меҳнатимизнинг эътироф этилиши бизни руҳлантиради. Президентимиз Мурожаатномасида белгилаб берилган вазифалар ижросини амалга оширишда келгусидаги ҳамкорлик режаси ҳам биргаликда кенг муҳокама қилиниб, ишлаб чиқилган, унда ҳар бир партия ташкилотининг фикри ва муносабати ўрганилгани биз учун жуда муҳим аҳамият касб этди.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА, O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудири

БАНДЛИК

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР



ҚАРМОҚ БЕРИШ БИЛАН

ИШ БИТМАЯПТИ

Муҳтожга ёрдам бермоқчи бўлсанг, унга балиқ эмас, қармоқ бер, деган гапни кўп марта эшитгансан. Инсоннинг доимий даромад манбаини шакллантириш маъносидидаги ушбу ибора жойларда ишсиз фуқароларга кўмак кўрсатилаётганда тез-тез кўлланади. Мисол учун, жойларда "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашда уларга тикув машинаси олиб берилаётгани, ёшларга томорқада фойдаланиладиган илғор ва ихчам техника воситалари бепул ажратилаётгани ҳам ўша қармоқнинг замонавий кўриниши аслида.

Бироқ, афсуски, ҳамма вақт бу усул ўзини тўлиқ оқлайтгани йўқ. Баъзи ҳолларда тикув машинасига эга бўлган аёллар ундан самарали фойдаланиб, оилавий даромад манбаига айлантириш учун нима қилишни билмай боши қотаётгани бор гап. Ахир фақат тикишни билиш билангина иш битмаслиги, бугунги истеъмолчи диди банд эканлиги, қолаверса, бу соҳада рақобат кундан кунга кучайиб бораётганини унутмаслик керак.

Жиззах шаҳрида фаолият олиб бораётган "Ишга марҳамат" мономаркази фаолияти билан танишиш асносида юқоридаги фикрлар ҳаёлимиздан ўтди.

Мазкур мономарказ Президентимизнинг "Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан собиқ касб-хунаро коллежи негизда ташкил этилган. Айни пайтда банд бўлмаган аҳоли 4 та йўналиш бўйича 21 та касб-хунаро, шунингдек, хорижий тиллар ҳамда IT соҳаси бўйича ўқитилмоқда.

Марказ тингловчилари қисқа муддатли курсларга жалб қилинади. Бошқа таълим тизимидан фарқи ўлароқ, машғулотлар 30 фоиз назарий ва 70 фоиз амалий тарзда олиб борилди.

Мономарказнинг йиллик ўқитиш қуввати 1 575 нафар, бир вақтнинг ўзига тингловчилар сигими 490 нафарни ташкил қилади. Ҳозир йўлланма асосида қабул қилинган 445 нафар, шартнома асосида касб-хунаро эгаллашни истаган 254 нафар тингловчи тахсил олмақда. Эътиборли томони, уларнинг 33 нафари ноғиронлиги бўлган фуқаролар бўлса, 40 нафардан кўпроги жойлардаги "Аёллар" ва "Ёшлар" дафтаридаги киритилган фуқаролардир.

Ўқув курсларини тамомлаган тингловчиларнинг кейинги тақдирини нима бўляпти? Эгаллаган кўникма ва билимлардан унумли фойдалана оляптими? Уларнинг бандлигини таъминлаш борасида нима ишлар қилиняпти? Ана шундай саволларимизга мономарказ масъул ходими Беҳзод Шукуров қуйидагича жавоб берди:

– Бугунгача йўлланма асосида мономарказни тамомлаган тинг-

ловчилардан 1 325 нафарининг бандлиги таъминланди. Уларни ишга жойлаштириш билан биргаликда тадбиркорликка жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, 576 нафар тингловчи ўзини ўзи банд қилган, 14 нафари ЯИТ сифатида рўйхатдан ўтган, 3 нафари субсидия олган. Бунда ҳамкорлик ва халқаро алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида 25 та корхона билан меморандум имзолангани яхши самара бераётди.

Меҳнат бозорига талаб қилинаётган мутахассисликлар бўйича машғулотларни йўлга қўйиш бандлигини таъминлашдаги муҳим омил ҳисобланади. Ўрганишлар бугунги кунда Жиззах шаҳрида сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаси билан бир қаторда сантехник, электрик, уй-рўзгор буюмларни таъмирлаш устаси, пайвандловчи, юк кўтариш қранлари бошқарувчиси каби мутахассисларга талаб катталигини кўрсатмоқда. Дарвоқе, тикувчилик соҳасида ҳам мономарказда ўқув курслари ташкил қилинган. Бу ерда тингловчилар назарий билимлар баробарида "ZEROMAXPLATINUM" МЧЖнинг ишлаб чиқариш цехида амалиёт ўташмоқда.

Хулоса оддий: муҳтожга ёрдам бериш истагиди бўлсангиз, қармоқ билан бирга ундан давр талаби асосида фойдаланишни ҳам ўргатинг. Чунки эндиги замонда фақат яроққа эга бўлиш билан натижага эришиш мушкулдир.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ, "XXI asr" мухбири

ҲАҚИҚИЙ ҒАЛАБА ЙИҚИЛГАНДАН СўНГ Қайта турмоқдир

Ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Бир куни кечқурун дарс қилиб ўтирсам, ташқаридан кимнингдир йиғлаётгани эшитилди. Чиқиб қарасам, онам экан.

– Онажон, нега йиғлаяпсиз?
– Йиқилиб тушдим, болам, – деди волидам кўз ёшларини артиб.

Катта бўлгач билдимки, нуридийдам йиқилиб тушмаган экан. Уни ҳаёт қийинчиликлари, 4 фарзандни ёлғиз вояга етказишдаги ташвишлар йиғлаган экан. Бу воқеа 14 ёшимда дадам юрак хуружидан вафот этгандан сўнг содир бўлганди. Қаранг, бунга ҳам 18 йил бўлибди. Ўша вақтларда онам ресторанларда ошпазлик қилар эди. Биз акаларим билан унга ёрдам берардик. Биринчи устозим ҳам онам. Чунки у менга беш марта йиқилсам, олти мартасида туришни ўргатди. Ҳар сафар қанақадир муаммога дуч келсам, шу воқеа ҳаёлимга келади-да, бардошли бўлишга ундайди.

Бу ҳикоя қаҳрамонимиз Назокат Шерматованики. У 1990 йил 31 май куни Тошкент шаҳрида туғилган. Оилани, уч фарзанднинг онаси. Меҳнатқаш ва шижоатли, ташаббускор ва фидойилиги билан ўрнатилган бу аёл "T_Art School" ўқув маркази асосчиси ҳамдир.

Ҳикоясини яна давом эттирдим у: "Мактабни битиргач, акаларим ортидан эргашиб, олийгоҳга ҳужжат топширдим. Кетма-кет 4 йил омадани чопмади. Ўзимни бошқа соҳаларда ҳам сынаб кўрмоқчи бўлдим ва дизайнерлик курсларида ўқидим. Туркияда малака ошириб келиб, келинлар либоси салоҳида ишлаш бошладим. У ерда тикувчи, консультант сотувчи бўлиб фаолият юритдим. Ишим яхши эди, лекин кўнглимга ўтирмадди. Кейин қандолатчиликни ўргандим, цехга ишга кирдим. Бу ерда ҳам узоқ ишловмадим..."

Турмуш қуриб, фарзандли бўлгач, кўпроқ вақтимни оиламга ажрата бошладим. Катта фарзандим учга кирганида иккинчим дунёга келди. Шифокорлар уни туғма ногирон, юролмайди, дейишди. 15 кунлигидакёқ оёғини гипс қилишди. Пайларини кесиб амалиётини ҳам бошидан ўтказди. Унинг иккала оёқсиси ичкарига қараганди. Кечаси билан ухламас, тинмай йиғларди. Чунки оёқчаларининг гипсда қотириб қўйилгани ухлашига ҳалақит берадди. Кечаси билан унга қараб чиқардим. Туну кун Аллоҳдан дилбандимнинг дардига шифо беришини сўрадим. Шифокорлар: "Унинг юриб кетиши, сизнинг ғалабанингиз" дейишганди. Беш ёшигача унинг оёқларига тиркачи тақдик, амбулатор даволатдик. Шунда англадим: соғлом бўлсанг, бой экансан.

Не бахтки, мен кутган кун келди. Ғалабага эришдик. Фарзандим юра бошладим.

Бир куни ижтимоий тармоқда бир расм эътиборимни тортди: Куръон оятлари ёзилган экан. Қарангки, хаттотлиқни ўрганиш истагим пайдо бўлди. Бу борада



– Онажон, нега йиғлаяпсиз?
– Йиқилиб тушдим, болам, – деди волидам кўз ёшларини артиб.
Катта бўлгач билдимки, нуридийдам йиқилиб тушмаган экан. Уни ҳаёт қийинчиликлари, 4 фарзандни ёлғиз вояга етказишдаги ташвишлар йиғлаган экан.

сабоқ берадиган курсларга бордим. Айниқса, устозим Исроил Муҳаммад акадан кўп илм олдим.

Хаттотлиқни пухта ўзлаштирмадан, тадбиркорликни бошлаб қўйганим, давом эттирсам бўлмасди. Устозимдан бунга рухсат сўрадим. Рози бўлгач, буюртмалар ола бошладим. Уларни тайёрлаб бўлгандан сўнг устозимга кўрсатардим. Эндилда фаолиятимни кенгайтирдим. Атрофимга ўзимга ўхшаш инсонларни жамладим. Хаттотлик ва Арт каллиграфияни ўргатиш мақсадида курс ҳам ташкил қилдик. Уни ҳозирга қадар 100 га яқин ўқувчи битирди. Йўналишларимизни кенгайтириб, Resin Art ҳамда 3D хаттотлиқни ҳам қўшдим. Касб сирларини халғача ўзим ўрганилман ва ўргатаялман. Бугун бахтли аёлман, оилам тинч, фарзандларим соғлом, ўзимнинг шахсий иш жойим ва шогирдларим бор. Аёл учун бундан ортиқ бахт йўқ."

Хаттотлик санъати қанчалик машаққатли бўлмасин, Назокат Шерматова ҳеч қачон сеvimли касбидан нолимайди. Ақинча, ҳали олдига қўйган мақсадлари кўп-лиги, унга тезроқ эришиш учун оқимлаётгани, хусусан, яқин кунларда араб тили ва хаттотлик мактабларини вилоятларда ҳам очмоқчи.

**ЎзЖОКУ талабаси
Гавҳар ЭШОНҚУЛОВА оққа кўчирди.**

ОДАМЛАР ОРАСИДА “МАФКУРА” ТУШУН-ЧАСИ ҲАҚИДА ЗИДДИЯТЛИ ҚАРАШЛАР МАВЖУД. СОБИҚ ТУЗУМ ДАВРИДА МИЛЛИ-ОНЛАБ ИНСОНЛАРНИНГ ОНГИГА ЗУРЛАБ ТИҚИШТИРИЛГАН, ЁЛҒОН ВА АЛДОВЛАР-ДАН ИБОРАТ КОММУНИСТИК ҒОЯЛАР ОММАНИНГ БУ БОРАДА ФИКРИ КЕСКИН ЎЗГАРИШИГА САБАБ БЎЛГАНИ СИР ЭМАС. БУГҲН КЎПЧИЛИК: “ҲЕЧ ҚАНДАЙ МАФКУРА-СИЗ ҲАМ РИВОЖЛАНГАН ЖАМИЯТ ҚУРИШ МУМКИН. АНА, АМЕРИКАНИ КЎРИНГ, У ЕРДА ҲАММА ЎЗ БИЛГАНИЧА ЯШАЙДИ. СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАСА БАС, ДАВЛАТНИНГ УЛАР БИЛАН ИШИ ЙЎҚ. ЧУНКИ У ЕРДА – ҲАҚИҚИЙ ДЕМОКРАТИЯ!” ДЕГАН МАЗМУН-ДАГИ ДАЪВОЛАРНИ ҚАЛАШТИРИБ ТАШЛАЙДИ.

Чиндан ҳам, Америка Қўшма Штатларида давлат томонидан ҳеч қандай расмий мафкура жорий қилинмаган. Мамлакат Конституциясида ҳам бу борада алоҳида қоидаларни излаб овора бўлмаган, барибир тополмайси. Шу боис юқоридаги гаплар асосли туюлади, дафъатан эътироз билдириш мушкул. Бироқ океанорти мамлакатининг ҳаётига чуқурроқ назар солсангиз, “мутлак эркинлик ишқибозлари”нинг ҳафсаласини пир қиладиган бир ҳақиқат ойдинлашади: америкаликлар тасаввурга ҳам сиғмайдиган даражада кучли мафкуралашган жамиятда яшайди! Бу мамлакат фуқароларининг кўнглидаги орзу-умидлари, дунё ҳақидаги тасаввурлари, ўзгаларга муносабати, эришадиган ютуқлари, умуман, бутун номаи аъмоли қудратли мафкура таъсири билан чамбарчас боғлиқ. Таъбир жоиз бўлса, барча америкаликлар бир умр жозибали ғоялар аквариумида ҳаёт кечиради.

АҚШда давлат томонидан рағбатлантирилган “Американинг ўзгача хусусиятларга эгаллиги, дунё мамлакатлари орасида махсус, умумбашари вазифалари билан ажралиб туриши” ҳамда “Америка орузи” каби ижтимоий тушунчалар мафкура вазифасини бажаради. Шунингдек, ушбу жамиятда ўз қадриятларининг умуминсоний хусусиятига қомил ишонч, демократик ўзгаришларни жаҳон бўйлаб ёйиш истаги кучли шаклланган.

Бундай қарашларнинг шаклланиши ўзига хос тарихга эга. Маълумки, XVI–XVII асрларда асосан Англиядан ва Ғарбий Европа худудларида черковнинг муттасил таъқиб ва монархияларнинг кечисиз адолатсизлигидан зада бўлган минглаб инсонлар янги ҳаёт қуриш илинжида Америка қитъасига кўчиб кела бошлади. Турли миллатларга мансуб бўлган бу одамларни ижтимоий адолат, эркинлик, инсоний ҳақ-ҳуқуқлар ва шахсий мулк дахлсизлигига эришиш каби умумий мақсадлар ўзаро бирлаштириб турар эди. Мазкур жараён анча узок давом этиб, бир неча авлод бундай шарафли йўлда оғир синов ва машаққатларни енгиб ўтишга мажбур бўлди.

лар-ни ҳимоя қилиш бўйича фаол иш олиб борилади. Шу мақсадда шубҳали фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотлари ўрганилиб, давлат манфаатларига мос келмайдиган маълумотларни тармоқдан ўчириш чоралари қўрилади. Базан ҳукумат мамлакат хавфсизлигини таъминлаш йўлида интернет ресурсларига чекловлар ҳам қўйлади.

Шу ўринда АҚШнинг собиқ президенти Дональд Трамп билан боғлиқ қизиқ воқеани тилга олиш ўринлидир. 2021 йил январ ойида Трамп тарафдорлари унинг президентлик сайловлари адолатсиз ўтгани ҳақидаги баёнотлари таъсирида мамлакат Конгресси биносига ҳужум уюштирди. Шундан сўнг мутасаддилар томонидан президентнинг барча ижтимоий тармоқдаги саҳифалари ёпиб қўйилади. Амалдаги давлат раҳбарига нисбатан бундай кескин чора қўрилиши биринчи гада Конгресс биноси жойлашган Капитолий тепалигининг мамлакат сиёсий ҳаётидаги аҳамияти билан боғлиқ эди. Чунки ушбу маскан АҚШнинг сиёсий барқарорлиги, ҳокимият куч-қудратининг рамзларидан бири ҳисобланади. Шу боис унга уюштирилган хуруж Америка қадриятларига, жамиятнинг ғоявий асосларига қарши қаратилган таҳдид сифатида баҳоланди.

АҚШ ғоявий қадриятларини ҳимоя қилиш ва уни жаҳонга тарғиб этишда кино санъатининг таъсирчан кучидан унумли фойдаланилади. Дунё кино санъатида етакчи ҳисобланган Голливуд бу борада беиннат кўмакчи вазифасини ўтайди. Кино устала-



сан АҚШга хайрихоҳ бўлмаган давлатларда инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатларини ёритиш билан шуғулланган ташкилотларни молиялаштиради. Форд фондини АҚШ Марказий разведка бошқармаси билан алоқадорликда гумон қиладиганлар ҳам йўқ эмас.

АҚШ мафкурасини халқаро миқёсда тарғиб қилишда инсон ҳуқуқлари бўйича нотижорат ташкилотларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. “Freedom House”, “Human Rights Watch”, “Open Society” каби тузилмалар бу борада салмоқли таъсир кучига эга. Улар расман АҚШ ҳукуматига алоқадор бўлмаса-да, аслида турли йўллар орқали ҳукумат томонидан молиялаштирилади. Шунга яраша, аксарият ҳолларда улардан АҚШ таъсири сиёсатининг муҳим норасмий қуроллари сифатида фойдаланилади. Жумладан, “Freedom House” ҳисоботлари дунё мамлакатларида сиёсий ва фуқаро ҳуқуқларига оид вазият чуқур таҳлил қилиниши билан ажралиб туради.

АҚШ ҳукумати давлат ва нодавлат ташкилотларнинг хориждаги фаолиятини дастаклашга катта эътибор қаратади. Шу орқали улардан демократик мафкура ва қадриятларни дунё бўйлаб ёйишда фойдаланилади.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ МАФКУРАСИЗМИ?

Нима бўлганда ҳам, мурод ҳосил бўлди. Олақароқ америкаликлар кашшоф аждодлари орзу қилган ягона олий қадрият – инсоннинг шахс сифатида эркинлиги таъминланган жамият барпо этдилар. Шу тариқа у ерда Американинг жаҳон цивилизациялари орасида афзалликларга эгаллиги, бу мамлакат дунёда адолатни таъминлаш учун ўзга юртларда ҳам демократияни кенгроқ қарор топтиришга ҳақиқий ҳақидаги ҳукмрон мафкуравий тушунча шаклланди. Бундай ғоявий қарашлар бугун ушбу давлат таъсири сиёсатининг ҳам асосини белгилаб беради. Яқин ўтмишда АҚШ томонидан Вьетнам, Ироқ, сингари “но-демократик” давлатлар худудида олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар, 2001 йили Афғонистонда бошланган “терроризмга қарши глобал уруш” ва у ерда демократик ҳокимият барпо этишга бўлган уриниш бунинг далилидир.

АҚШда “Америка орузи” тушунчаси ҳам муқаддас ҳисобланади. Мамлакатда турли ижтимоий гуруҳлар эҳтиёжини қондириш ва кишиларнинг фаровон ҳаётини таъминлаш борасида улкан имкониятлар мавжудлиги “Америка орузи”га бўлган ишонч ва қизиқинчи янада оширади.

Очғини айтганда, Америка мафкураси ва ғоявий тушунчалари собиқ шўролар давлатининг коммунистик мафкурасидан юз чандон кучлироқ тарзда фуқаролар ҳаётига кириб борган, десак муболаға эмас. Зотан, коммунизм чўпчалари аллақачон ўтмиш қарига фарқ бўлган бўлса-да, вақтда унинг таъсири остида яшаган халқлар ҳеч нарса йўқотгани йўқ. Бироқ америкаликлар ўзларининг бош ғояси ҳисобланган либерализмдан мосуво бўлса, миллий ўзига хослигини ҳам бой беради. Чунки ушбу ғоя Америка халқи шаклланишининг дастлабки даврларидан бўён жамиятда одамлар билан ёнма-ён яшаб келмоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, АҚШда бирор мафкура қонуний асосга эга эмас. Мамлакатдаги 50 та штатда турли миллат вакиллари яшаб, турлича қарашларга эга партиялар ва оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатса-да, уларнинг барчаси асосий ва муҳим масалалар бўйича бир хил фикрлайди. Жамиятда ҳар қандай масала муҳокама қилиниши мумкин, бироқ мамлакатнинг яхлитлигига путур етказиш ёки турли инқилобларни амалга ошириш ҳақида гап-сўз бўлиши ҳам мумкин эмас.

Америка жамияти таъсири ахборот хуружларига ҳам барқарор қаршилик кўрсата олади. Болаларга эсини таниганидан америкаликлар дунёдаги энг сара миллат ҳисобланиши, АҚШ қудратли армияга эга глобал куч сифатида ҳар қандай урушда ғалаба қозонганини муттасил уқтириб боришади. Мақабларда мунтазам равишда давлат байроғига қасамёд қилиш маросимлари ўтказилади. Бундай тадбирларда гўдакларга дунёда хурликнинг ягона тимсоли бўлган ўз ватанини чин дилдан севиш лозимлиги, Американинг бўлинимаслиги ва Худо томонидан ер юзидagi барча халқларга йўл қўрсатувчи сифатида белгилангани ҳақида таълим берилади. Шу тариқа жамиятда ватанпарварлик, Американинг буюклиги ҳақидаги мафкуравий тушунчалар мустаҳкамланиб, фуқароларда таъсири ахборот ва ғоявий ҳужумларга нисбатан кучли иммунитет ҳосил бўлади.

Мамлакатда жамиятнинг ғоявий асослари ва ҳукмрон мафкуравий қарашларни ҳимоя қилишга катта эътибор берилади. АҚШда сўз эркинлиги қаттиқ ҳимоя қилинса-да, муайян ҳолатларда унга нисбатан чекловлар ҳам қўйилади. Агар тарқатилмаётган ахборот Америка қадриятларига, миллий хавфсизликка таҳдид ва демократия таъминловига зид деб топилса, дарҳол чек қўйилади. Интернет ахборот маконида ҳам миллий манфаат-

рининг давлат манфаатларига хизмат қилувчи фильмлар яратиш ишга муттасил рағбатлантириб борилади. Шу билан бирга, Голливуд муҳитидаги сиёсий қарашлар ва иждодий кайфият ҳокимиятнинг доимий эътибор марказида туради. Хусусан, ўтган асрнинг 40-50 йилларида “Голливуд қора рўйхати” тузилиб, ўзгача сиёсий қарашларга эга бўлган маданият ва санъат намояндалари киритилади ва уларнинг кино соҳасида фаолият йўритиши ман қилинади. Зотан, ушбу тоифадаги иждодкорларнинг аксарияти ўша даврларда коммунистик ғояга мойил шахслардан иборат эди. Бугунги кунда ҳам Америка қадриятлари ва манфаатларига зид бўлган фильмлар ва киноленталар Голливудда муваффақият қозонмайди.

1930 йили АҚШ Киноижодкорлари ассоциацияси ташаббуси билан “Хейес кодекси” деб номланган ҳужжат қабул қилинади. Шунга асосан, ассоциацияга аъзо бўлган продюсерлар бир қатор тамойилларга риоя қилиш мажбуриятини олишади. “Тошошнинг ахлоқий қарашларига путур етказадиган фильмлар яратишга йўл қўйилмаслиги, тошошларда жиноятчилик, ваҳшийлик ва бошқа турли иллатларга нисбатан мойиллик ўйғотадиган саҳна кўринишларни тасвирлаш мумкин эмаслиги” ҳақидаги қатъий талаблар шулар жумласидандир. Шу пайтга қадар АҚШда давлат манфаатлари ва жамиятда қарор топтирилган ахлоқ мезонларига тескари бўлган ўнлаб фильмларни намойиш қилиш тақиқланган.

Дарҳақиқат, Голливуд Америка қадриятлари, жамиятдаги устувор ғоялар ва мамлакатнинг нуфузини жаҳонда тарғиб қилиш борасида катта роль ўйнайди. Жумладан, АҚШ Мудофаа вазирлиги ҳозирги кунда юздан ортиқ киноленталар, телевизион шоулар, видео ўйинлар яратувчилари билан мамлакат армиясининг куч-қудратини кенг оммага намойиш қилиш бўйича фаол ҳамкорлик қилади. Пентагон фильмларни суратга олиш жараёнида кино усталарига ўзининг ҳарбий базалари, замонавий қурол-аслаҳаларини бажонидил тақдим этади. Бунинг эвазига яратиладиган киноасарларнинг мазмунини ўзгартириш киритиш ҳуқуқини олади. Натижада Қўшма Штатлар армиясининг обрўсига соя соладиган лавҳалар баргарав қилиниб, ватан ҳимоячиларининг фаолияти ҳеч бир камчиликсиз, идеал мазмунда оммага тақдим этилади.

Ҳозирги пайтда бутун дунёда Голливуднинг таъсири жуда кучли эканини ҳеч ким инкор қилолмайди. Хусусан, сўнги йилларда Голливуднинг Хитой кино бозоридagi мавқеи сезиларли даражада юксалди. Ҳатто Америка фильмлари Чин юртида кассабалик борасида маҳаллий фильмларни ҳам сезиларли даражада орта қолдирмоқда. Шу боис Хитойда Америка фильмлари намойишига бир қатор талаблар қўйила бошлади. АҚШ киноижодкорлари ҳам ўзларига мўмай даромад келтираётган Хитой бозорини йўқотишни истамай, бундай шартларни қабул қилишга мажбур бўлишмоқда.

Хитой бозорига киришни истаган америкалик ишбилармонлар бу мамлакатда ўрнатилган қатъий талаблар сабабли ўзларининг айрим принципларидан воз кечишига мажбур. Бу ҳолат сўнги пайтларда АҚШ ҳукуматини ташвишга солмоқда. Уларнинг фикрича, Хитой коммунистик партияси Америка компаниялари – меҳмонхона бизнеси вакиллари, авиакомпаниялардан тортиб, кино продюсерларини ҳам Пекингга маъқул келадиган йўлни танлашга мажбур қилаётгани билан асло муроца қилиб бўлмайди. Бундай шароитда Хитой цензурасининг таъсири ва Америка компанияларига нисбатан босимига қарши курашиш зарур.

Шу мақсадда бир гуруҳ сенаторлар томонидан Хитойнинг Қўшма Штатларга нисбатан цензураси кучай-

ишининг олдини олишга қаратилган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Таъкидлаш лозимки, ушбу лойиҳа Конгрессда демократлар ва республикачиларнинг бошини қовуштирган камдан-кам қонунчилик ташаббусларидан бири ҳисобланади. Чунки муҳолиф партиялар Хитой каби умумий рақобатчи қарши туриш ҳақида гап кетганда ҳеч иккиланмасдан ўзаро тил топиша олади. Гарчи мазкур қонун лойиҳаси расман қабул қилинмаган бўлса-да, айна пайтда фаол муҳокама қилинмоқда.

Дарвоқе, айна пайтда Конгрессда хорижий мамлакатлардаги ўқувчилар учун Хитойни танқид қилувчи журналистик материаллар тайёрлашни қўллаб-қувватлаш мақсадида ОАВга 500 миллион доллар маблағ ажратилиши назарда тутувчи қонун лойиҳаси ҳам тез-тез тилга олинмоқда.

Америка ўзига рақиб ҳисобланган давлатларнинг ахборот тарғиботидан жамиятини ҳимоя қилиш учун тезкор чораларни амалга оширади. Мисол учун, Россиянинг Украинага ҳарбий хуружидан сўнг АҚШда рус телеканалларининг намойиши тўхтатилди. Америкаликлар назорати остидаги ижтимоий тармоқлар, YouTube каби видеохостинг сайтларида Россия давлат оммавий ахборот воситаларининг саҳифалари блокланди.

АҚШ ўзининг либерал, демократик қадриятларини дунё мамлакатларига ёйиш ишга қаратилган ҳеч қачон воз кечган эмас. 2003 йили Ироққа қарши ҳарбий ҳаракатлар ҳам ушбу мамлакатда тоталитар тузумга барҳам бериш ва у ерда демократик ҳокимият ўрнатиш даъвоси билан бошланган эди. Бу йўлда нафақат қурол кучидан, балки турли агентликлар, халқаро ва нодавлат ташкилотларнинг имкониятидан ҳам унумли фойдаланилиб, уларга мўмайгина молиявий кўмак ажратилади. Демократик тамойилларни ер юзида кенг тарғиб этиш масаласи Қўшма Штатларнинг XXI асрдаги устувор вазифаларидан бири сифатида белгилалиб, мамлакат сиёсий ҳаётида ушбу мақсад йўлида қўллаб тузилмаларни, жумладан, турли давлат ва нодавлат ташкилотларни бирлаштирган кенг тармоқ вужудга келди.

Таъсири сиёсатни амалга оширишда ҳам демократия ва инсон ҳуқуқлари масаласига устувор эътибор қаратилади. Дунё мамлакатларида бу борадаги вазият юзасидан ҳисоботлар эълон қилиб борилади. Хорижий давлатларнинг сиёсий тузumi демократия талабларига қай даражада амал қилаётгани ҳамда ривожланиётган юртларда демократияни қўллаб-қувватлаш масаласига катта урғу берилади. АҚШ Давлат департаменти ва USAID халқаро тараққиёт агентлиги ана шундай вазифаларни бажаради.

Расмий давлат идораларидан ташқари, ҳукумат томонидан маблағ билан таъминланадиган бир қанча фондлар, институтлар, халқаро нодавлат ташкилотлар ҳам америкача мафкуравий қарашлар ва қадриятларни дунё бўйлаб ёйишда куч-ғайратини аямайди. Ана шундай тузилмалар сирасига кирувчи АҚШ миллий демократия фонди 2011 йили “Араб баҳори” воқеалари пайтида норозилик намойишларида иштирок этган ёшларни фаол қўллаб-қувватлаган. Ушбу фонд Марказий ва Шарқий Европа, Осиё, Яқин Шарқ, Африка, Лотин Америкаси ва Евроосиё мамлакатларида “демократик тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” соҳасидаги тадқиқотлар учун грантлар тақдим этади. Мазкур ташкилотнинг расмий манбаларида унинг Марказий Осиёдаги фаолияти давомида мустақил ОАВни қўллаб-қувватлаш, эркин ва адолатли сайловлар, ҳукумат институтлари устидан фуқаролик жамияти назорати ва сиёсий плюрализмни мустаҳкамлаш устувор йўналишлар сифатида қайд этилган.

Шунингдек, демократик қадриятларни дунёга ёйишда хайрия жамғармаларининг ҳам ўрни катта. Хусусан, бутун дунёда катта нуфузга эга бўлган Форд фонди асо-

нишга интилади. Ҳозир Америка нодавлат ташкилотларининг таъсир доираси тобора кенгайиб бормоқда. Шундай бир вазиятда аввалги тажрибаларни инобатга олиб, уларнинг мамлакатимиз худудидаги фаолиятига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш талаб этилади. Чунки бундай ташкилотларнинг демократик қадрият ҳақидаги айрим тушунчалари бизнинг жамиятимизга мос келмаслиги аён ҳақиқат.

Шу билан бирга, бундай тузилмаларнинг фаолиятини бутунлай чеклаб қўйиш ҳам ўзини оқламайди. Сабаби, охириги йилларда АҚШ билан мамлакатимиз ўртасидаги алоқалар тобора ривожланиб, ҳамкорликларимиз янги даражага кўтарилмоқда. Бу жараёнда Қўшма Штатларнинг давлат идоралари билан бир қаторда нодавлат ташкилотлар ҳам фаол иштирок этиб, икки томонлама манфаатли лойиҳаларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшаётганини унутмаслик лозим. Мана шундай жараёнда халқаро нодавлат ташкилотларнинг мамлакатимиз худудидаги фаолиятини диққат билан кузатиб бориш, ҳар қандай ёғояларга қарши миллий қадриятларимиз, маънавий-ахлоқий тушунчалар орқали курашиш мақсадида мувофиқ.

Мақоламиз муқаддимасида Американинг буюклиги ва ўзгачалиги ҳақидаги ғоявий қарашлар болаларга муттасил уқтириб борилиши ҳақида айтган эдик. Бундай самарали усул ёрдамида уларнинг ватанпарварлик туйғуси кучайтирилади, онги ва шурида ёғояларга қарши кучли мафкуравий иммунитет ва мамлакат келажакига қатъий ишонч туйғуси шакллантирилади. Натижада давлат мафкурасини қонунлаштиришга эҳтиёж қолмайди.

Эсини таниганидан Америка ғоявий қадриятлари руҳида улғайган инсонлар вақти келиб фуқаролик жамиятининг кучли мафкуравий қарашларга эга аъзоларига айланади. Бундай жамият ҳар қандай бегона ғояларга қарши мустақил равишда кураша олади, уларни қабул қилмайди. Шу маънода Американинг кучли мафкуравий пойдевор яратиш бобидаги ютуқларига ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Бир сўз билан айтганда, АҚШнинг ўзига хос ва мураккаб тузилишига эга мафкуравий қадриятларини чуқур ўрганиш ҳамда бу борада муайян хулосалар чиқаришнинг фойдаси кўпроқдир.



Авазбек ШЕРМАТОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази хузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти илмий ходими

ХАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

...1991 йилнинг
НОЯБРИ ОХИРЛАРИДА ХИЗ-
МАТ САФАРИ БИЛАН БУХОРО-
НИНГ РОМИТАН ТУМАНИГА
БОРДИМ.
КУЗ АДОҚЛАБ, ҚИШ ОЁҚЛА-
ЁТГАН КЕЗЛАР. СУВ ҲАМ, ЕР
ҲАМ СОВИБ БЎЛГАН. МУЗ
ЯЛАГАН ЕЛ БУРУННИ ЧИМЧИ-
ЛАЙДИ. КЎК ТОҚИГА ОСИЛИБ
ҚОЛГАН ЭРИНЧОҚ ҚУЁШ
ЧЎҒИ ҚОЧГАН ЎЧОҚДАЙ ЖИЛ-
ЛА ИСИТМАЙДИ. ТИЙРАМОҲ
ЁМҒИРЛАРИ ДАЛАЛАРДАГИ
САРҒАЙГАН ЎТ-ЎЛАНЛАР ВА
БОҒЧАЛАРДАГИ ЧИРИЁТГАН
ХАЗОНЛАРНИ ҚОРАЙТИРИБ,
ҲАЗИН МАНЗАРА ҲОСИЛ
ҚИЛГАН.



Эшқобил ШУКУР,
шоир,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

МОЙЖУВОЗ

Бир қишлоқда машинадан тушиб, оёқларим чигилини ёзиб турганимда, бироз нарида менга тикилиб қараётган чолга кўзим тушди. Кўёш хира тортган эса-да, чол ўнг қўлини манглайига соя қилиб, сингалаб қарарди. Озгина ҳангомалашай дея салом бериб, унинг қошига бордим. Ўртабуй, этининг суви қочиб қолган чол бир саломимга икки марта алик олди. Етмиш ёшлардаги қариянинг калта ва сийрак соқоли тўқай шоқолининг жунидай патақлаб кетган; сарғиш афтига, қошу киприкларига чанг ўтириб қолган; мой босиб, гули титилиб кетган дўпписи гирдига чийиб қўйилган оқ қийиқча қирланиб рангини йўқотган. Негадир менга бу одамнинг кўз қосаларига икки дона ёнғоқ тикиб қўйилгандай туюлди.

ёритади. Балчиқ сачраб қотиб қолган каби пашша ўлиги қоллаган лампанинг хиралиги дилни ҳам хира қилади. Ўртада айланаси ярим қулоч келади қайрағоч кунда. Кунданнинг дубулға учидай торайиб борган паст қисми ерга кўмилиб, ер устига чиқиб турган юза қисми ўғир шаклида ўйилган – у юкхона дейиларкан. Юкхонага зиғир ёки чигитдан сизиб чиққан мой худди шу фазнада йиғилади. Ўқни айлантириш учун унинг учига гажак бириктирилган. Гажакнинг узунлиги бир ярим метрча, унинг пастки учи қайиқ ўртасидаги ёғочмўмикча бириктирилади (қайиқ – мойжувоз қисми, узунлиги бир метр кела-

момила махрум... Бечора ерсиз ва осмонсиз; ертўла рутубати унинг руҳию баданига уриб кетган. Жониворнинг сўник кўзларига қараб унинг қонидаги бобомерос аланга аллақачон сўнганини илғайсиз...

Боши ер қадар эгилиб, ўқни инқиллаб тортаётган отга тикилиб қолганимни кўрган чол бундай томошани умрида кўрмаган одам учраганига қувониб кетди ва оғзининг суви қочиб, тамшаниб мақтана кетди:

– Бу от ўз ишига шунчалар ўрганиб кетганки, қамчи уриб ўтиришга ҳожат йўқ, “чуҳ” деб қўйсангиз бўлди, мойжувоз атрофида айланаверади, айланаверади. Кўп эсли жонивор. Суви билан емини вақтида бериб, қорнини тўйдириб турсангиз бас...

Чиндан ҳам, бу хўрлик отнинг қон-қонига сингиб кетган эди. Чолнинг айтишига қараганда, баъзан тўхтатиш учун “дррр!” деб жилловидан тортиб қўйсангиз ҳам тўхтамас, ҳатто қақирққа жавобан бошини буриб ҳам қўймас, балки киприк қоқмай ўз вазифасини бажарарверар экан. Эшак ё ҳачир, ҳатто туянинг ҳам бу ҳолга тушишига кўнмоқ мумкин, лекин қонда эрк гуриллаган отнинг аянч аҳволи...

Чол менга отини мақтаб яна кўп нарсаларни гапирди. Гаплари қўлоғимга кирмади. Мен фожиавий “бир актёр театри”ни кўраётгандай, хира ертўла сахнасида тинмай айланаётган отнинг қайғули томошаси билан банд эдим.

Гапларини эшитмаётганимни сезган чол секин қўлимга туртиб қўйди ва сўради:

– Тошқанда нима гаплар, ука?
Хаёлим бўлинди:
– Ҳозир ҳамма гап мустақиллик ҳақида...
– Ҳа, эшитиб ётибмиз. Телевизорда, радиода фақат шу гап.
Мухбирлигим тутиб чолдан сўрадим:
– Ўзингиз мустақилликка қандай қарайсиз?

Чол юзидаги ўша табассум билан жавоб қилди:

– Энди, балам, катталар нима деса шуда. Мустақил бўлинглар деса бўламиз, бўлманглар деса бўлмаймиз. – У бироз жим қолди, юзи ғамгинроқ тусга кирди, ўқингандай елкасидан нафас олди-да, сўнг атрофга бир қур назар солиб, аста гапирди:

– Катталар нима деса шу, балам...
Мен шу тобда бир оғиз “чуҳ”нинг малайига айланган, бир жойда тинмай айланаверадиган отга қарадим. Шўрликнинг бутун ҳаёти шундан иборат: хира ертўла, эски мойжувоз, сўнгсиз ғичир-ғичир, ёқимсиз тер ва мой ҳиди, емирланган туёқларнинг бежаранг дупури.

Чол ҳам умр бўйи бир жойда, гўрваш ертўлада мойжувоз теграида айланган отнинг ўзгинаси эди. Унинг бир жуфт ёнғоқдай туртиб чиққан кўзларига ертўла нуқси уриб кетган...

Манба:

“Тафаккур” журнали 2022 йил 4-сон

МАЪНАВИЯТ ОСМОНДАН ТУШМАЙДИ

Ушбу мақоланинг Халқаро пресс-клубнинг сўнгги сессиясида табиий фанларни ўқитишда эскирган методлардан воз кечиб, уларни замонавий технологик ёндашувларга мослаш хусусида ўз нуқтаи назарини ўртага ташлаб, қутилмаганда ижтимоий тармоқларда қарама-қарши негатив фикр-мулоҳазалар “ёмғири” остида қолган ЎзЖОКУ ректори Шерзодхон Қудратхўжага алоқаси йўқ!



...Буни олти ой аввал ёзган эканман. Ўйлаб кўрсам, мавзу янада долзарб аҳамият касб этапти. Мен барибир ўз фикримда қоламан. Бизга кимё, физика, математика, геометрия, экология фанлари биринчи ўринда сув ва ҳаводек зарур.

Хўш, маънавият дарси нима, таълим-тарбия соати-чи? Керакми улар? Нега маънавиятимиз ошсин деб қачонлардан бери ҳали марафон уюштирамиз, ҳали фестивал қиламиз, ҳали тонналаб ош пиширамиз. Шеърхонлик кечалари, турли танловлар ташкиллаштиряпмиз. Аммо жамоатчилик орасида ўзимизни тутишни билмаймиз-ку! Мен “Маънавият ўзи нима?” деган мавҳум саволга жуда кўп марта жавоб изладим. Ишонинг, одамни турли-туман панд-насихатлар уюндан-уюн ривоятлар маънавиятли қилолмаслигини кўриб турибмиз. Унда нима қилиш керак, айтинг! Луғатимиздан “маънавият” деган сўзни олиб ташласак, осмон узилди ерга тушадими?

Маънавият бу – боғча, мактаб ёшиданок болаларни илмга, билим олишга меҳр уйғотиш, айниқса, табиий фанларга қизиқтириш эмасми? Бир гап бор-ку, табиий фанларга қизиққан бола шоир ҳам бўла олади, лекин шоир ҳеч қачон физик бўлолмайди! Хўш, нима учун бизга кимё, физика, математика, биология, анатомия, астрономия, экология фанлари керак? Ҳеч ўйлаб кўрганми? Мен санаган фанлар чуқурлаштириб ўтилса, болалар чўпчак ё эртатка ишониб умрини беҳуда ўтказмайди. Ҳадеб осмону фалакка термилиб, романтикага берилиб, орзу қилавермасдан, реал, аниқ ҳаракат қила бошлайди. Мактаб, олий ўқув юртига биринчи навбатда замонавий лабораториялар керак эмасми? Бугун аксариятнинг аҳволи ҳаминқадар. Табиий фанлардан ўқитувчилар етишмаяпти, бориға эса эътибор кам. Маънавият бу – қайноқ лабораторияхоналар дегани. Физик, кимёгар, демак, кашфиётчилар дегани. Лабораторияда кунини ўтказган, бор билимини бирор нарса кашф қилишга бағишлаган болага сен одобли бўлишинг керак, сен ичмаслигинг, чекмаслигинг керак деган узундан-узун фарзузалар айтиб ўтириш шарт эмас. Фарзандимизни олимликка, илмга қизиқтириш ана шу лабораториялардан бошланади-да!..

Одам анатомиясини билган бола қаердаги ҳаёлий орзуларга ишонмайди, экологияни чуқур ўрганганлар ҳар қандай жонзотга, ўт ўсимлик-

ка меҳр-шафқатли бўлади. Физика ё кимё қонуниятларига қизиққанлар учар от ё гиламдан кўра, ернинг тортиши қонунига ишонади. Турли хил фестивалларга сарфланадиган маблағни лабораторияларга сарфланг, ўқувчи ёки талаба қалбида олим бўлишга қизиқишни уйғотинг. Кўряпмиз, шоумен, артистларни кўлайтирапди бу каби тадбирлар. Маънавият марказлари ўрнига лабораториялар, физик, кимёгар, биолог, эколог касбларини қучайтирсак, асакамиз кетмайди. Мана шу илм-фан – маънавият, кашфиётни дунёга намойн қилади. Илмли, олим одамларнинг қайси бири маънавиятсизлик қилганини кўргансиз? Илм ақл маҳсули, бу машаққатли меҳнат одамдан пунктуалликни, аниқ режа асосида ишлашни, лафз қилдингни, албатта бажаришни, фақат ўз устингда ишлашни ўргатади. Шуларнинг ўзи аслида маънавият эмасми?

Илм одамнинг ортиқча гап-сўзга, маҳмадоналикка, ёлғончиликка, хоҳолаб кўча-қўйда бақир-чақир қилиб юришга вақти бўлмайди. Кўша-қўша хотин олиб, бугун қайси бирининг олдига бориб, қандай қилсам, севимини исботлайман, деб бош қотириб юришга вақти бўлмайди. Ёки тўйма-тўй, чойхонама-чоёхона, ҳафтаю ойлаб тадбирма-тадбир овора бўлишга ҳеч қачон фурсати бўлмайди. Маънавият бу – қайноқ лаборатория хоналари, кашфиётлар – физика, математика, кимё, биология, экология, астрономия фанлари дегандир. Артистларни профессор қилманг, табиий фанлар профессорларини кўлайтиринг – ана шу маънавият!



Барно СУЛТОНОВА,
журналист



Чолнинг эғнидаги кулранг яқтаги мой шимиб, қорамтир тусга кирган, ёнги ва этагидан матонинг ипи ситилиб идрай бошлаган. Оёғидаги кирза этикнинг ултони сичқон кемириб ташлагандай емирилиб кетган.

Уст-боши ҳар қанча абгор бўлмасин, қариянинг юзи кулиб турар, гап-сўзларини ҳаракатлари ёш боланинг қилиқларини эслатар эди. Гапирганда “мен шундайман-да” дегандай, бир юмалаб мўйсафид қиёфасига кириб олган боладай мамнуният билан ўзини алқаб гапирарди.

Сўхбатдошим шу қишлоқдаги мойжувознинг “хўжайини” экан. Мен ундан мойжувозини кўрсатишни сўрадим. У мақтанашга имкон топилганидан хурсанд бўлиб, ўнг қўлини кўксига қўйиб, чар қўли билан юришишимиз керак бўлган тарафга имо қилди ва ҳақкалаб-ҳақкалаб мени йўлга бошлади.

Ўттиз қадамча юриб, нақ ер тагига тушиб кетадиган гўр оғзидай каттакон туйнук қошига бордик. Туйнук оғзига тақалган бақувват ёғочдан ясалган қия зина уч қулоч қуйига эниб кетган. Зина қабатлари анча кенг, бир кўрпанинг энича бор.

Чолнинг йигирма беш йиллик ишхонаси манзараси бундай: катта хонадек келадиган чуқур ертўла, уни заифгина электр лампа

диган, йўғон юзасининг бир томони ўйилиб, ичига тош тўлатилган, икки ёнидаги тешикларига кунданни ўраб турган тўға учлари қоқилган қурилма). Жувозга қўшилган от юганида қайиқни олдинга суради, қайиқ – гажакни, гажак эса ўз навбатида билан айлантиради. Ўқ хомашёни ёзиб, ундан чиққан мойни фазнага ҳайдайди. Фазна мойга тўлғач, жувозкаш жувозни тўхтатиб, мойни олади.

Ертўлада бир хил “муסיқа”: ғичир-ғичир... ғичир-ғичир... мойжувоз ўқининг овози, туёқларнинг товуши, отнинг оғир ҳансираши...

От менга – бегона одамга пиёладай кўзлари каттариб, ҳайрон қарайди. Гўё хуриллагандай заиф пишқириб қўяди.

Аллақачонлар қирчангига айланган саман бир маромда ўқни айлантиради. Отнинг малларанг сағриси яғир бўлиб кетган, қўймичи кўтирлашган, ёллари қорамтир пўстақ ҳолига келиб, манглайдаги қашқаси тер ва ёғдан сарғайган.

Шўрлик от қир-адир ва яшил кенгликлар ҳавосининг ажиб таъми, баданига хуш ёқиб, ёллари орасидан ўйнаб ўтадиган шамоллар гаштини бутунлай унутган; оёқларини кериб, қаддини фоз тутиб, бошини баланд кўтариб пишқириб, уйноқлаб кишнаш суруридан та-

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARONLAR HARAKATI –
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:
Ақтам ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шўхрат БАҒОЕВ
Мавлуда ХУҲАЕВА

Сирожиiddин САЙИД
Адхам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ

Сардор МУСТАҒОЕВ
(Бош муҳаррир уринбосари)

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).
Обуна ва реклама бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан
рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 145
Адади: 4926
Баҳоиси келишилган нархда.
Топширилди – 21:00

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнер

Маъруфжон Раҳмонов
саҳифалади.

ISSN 2181-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123456

Навбатчи муҳаррир:
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА